

# БАНК АХБОРГАҲОММАСИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталиқ газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 51 (1126), 2017 йил 21 декабрь

## МОЛИЯ БОЗОРИ

### Мижозларга қулайлик: тижорат банкларининг хизмат ҳақлари арzonлашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва баркарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурининг ижроси юзасидан Ўзбекистон банклари Ассоциацияси тижорат банклари билан биргалиқда амалдаги банк хизматларига белгиланган тарифларни қайта кўриб чиқди. Бу ҳақдаги маълумот [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайдита тақдим этилди.

Бунда банкнинг рационал даромадлилиги ни таъминлаган ҳолда тижорат банклари тариф сиёсаларини оптималлаштириш ва шу орқали банк хизматлари жозибадорлигини ошириш ҳамда янги мижозлар жалб этишга, энг асосийи, мижозлар билан яқин ҳамкорлик

муносабатларини ўрнатишга асосий эътибор қартилди.

Ўрганиши натижаларига кўра, банк хизматлари бўйича Тавсиявий тарифлар ишлаб чиқилди ва мамлакатимиз тижорат банкларининг тариф сиёсаларини оптималлаштириш бўйича Банклараро келишув имзоланди.

Таъкидлаш лозимки, Банклараро келишувга асосан тижорат банклари банк хизматлари бўйича ўрнатилган тўловларни Тавсиявий тарифларда белгиланган миқдорлардан асосиз равиша оширмаслиги ва ортича тарифлар ўрнатилишига йўл қўймаслик ҳамда банклар томонидан тасдиқланган тарифлар уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилиши белгиланди.

(Давоми 3-бетда).

### Банк – тадбиркор ҳамкори

Бугун банк тизимида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниска, тадбиркорларга янада қулайликлар яратиш, хизмат турларини кенгайтириш, мурожаатларини ўз вақтида қаноатлантириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Натижада ахолининг, тадбиркорларнинг банкларга бўлган ишончи кун сайин ортиб бораёттир.



Буни сўнгги пайтларда банкларга мурожаат қилаётган мижозлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугун банклар ичida «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкининг ўзи ўз салоҳияти ва ўрни бор.

У мижозларга хизмат кўрсатиш ва барқарор ривожланнишда давом этиб, тадбиркорларни кўллаб-куватлаш баробарида уларга ҳар томонлама кўмак бериб келмоқда. Бу ишларнинг узвий давоми сифатида яқинда «Ипотека-банк»

АТИБнинг пойтахтимизда жойлашган Мехнат филиалида тадбиркорлар иштироқида давра сухбати ташкил этилди. Унда банк вакиллари, кўплаб тадбиркор ва банк мижозлари иштироқ этди.

(Давоми 2-бетда).

УШБУ СОНДА:

#### Ислоҳотлар йўлида

Банк-мolia  
хизматлари  
ўз вақтида  
ўзлаштирилмоқда.  
5-бет.



Банк  
фаолияти  
Банк –  
тадбиркорларга  
манбаатдор  
шерик.  
6-бет.

Лизинг  
Хизматлар  
ҳажми  
ортмоқда.  
7-бет.



## МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДА

### ТИФ Миллий банки: мурожаатлар вақтида ечим топмоқда

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисадий фаолият миллий банки томонидан Президентимизнинг муассаса фаолиятини янада таомиллаштириш чора-тадбирларига доир ПК-3383-сонли Қарори асосида ташки иктисадий фаолият, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлаш ва чакана банк хизматлари соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Миллий матбуот марказида ташкил қилинган анжуманда буларнинг барчаси тақдимотли равиша намойиш этилди.

Хусусан, инновацион тадбиркорликнинг жорий қилиниши, ёшларнинг, биринчи навбатда, олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг янги тадбиркорлик ташаббуслари – «Startup» лойиҳаларини амалга оширишни фаол қўллаб-куватлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари чакана банк хизматлари

кўрсатилишини янада ривожлантириш, амалдаги кредит, молиявий, хисоб-китоб, касса ва бошқа чакана банк хизматларини замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида кенгайтириш ҳамда уларнинг янги турларини жорий қилиш, банк хизматларини интернет тармоғи орқали реал вақт (онлайн) режимида ва пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириш механизmlарини таомиллаштириш ишлари олиб борилди.

(Давоми 4-бетда).

### Экспорт ҳам ҳажм, ҳам географик жиҳатдан ўсмокда

Миллий матбуот марказида «Мамлакатимизда экспортчилар учун яратилаётган қуай шарт-шароитлар, экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда экспорт-боп маҳсулотлар турини кўпайтиришда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-куватлаш жамғармасининг ўрни» мавзууда анжуман бўлиб ўтди.

Унда мазкур жамғарманинг жорий йил 1 декабрь ҳолатига кўра фаолияти сарҳисоб қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга бўлган мазкур жамғарма тадбиркорларнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда, бизнес форум ва кооперация биржаларида иштирок этиши, чет эллик ҳамкорлар топиши ва шартномалар тузиши, хорижий давлатлар қонунчилигига мувофиқ лицензия ва сертификатлар, бошқа руҳсатномалар олишида хукуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатмоқда.

(Давоми 4-бетда).

## БАНК ТИЗИМИ

## Банк – тадбиркор ҳамкори



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дастлаб «Ипотека-банк» АТИБ Мехнат филиали бошқарувчиси Баҳром Шарипов сўз олип, йигилганларни тадбирдан кўзланган асосий мақсадлар билан таништириди. У «Банк – мижоз учун» тушунчасини кенгайтириб, «Банк – тадбиркор ҳамкори» ўғасини илгари сурди.

Бугун юртимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилган. Ана шундан фойдаланиб, ишибилармонлик йўлини танлаганлар сони кун сайн ортмоқда. Улар ўз ишини бошлашда биринчи навбатда банкларга мурожаат қилид. Банклар эса бугун тадбиркорларга турли хизмат кўрсатиш билан бирга молиявий кўмак бераб, уларнинг ҳақиқий ҳамкорига айланаб бормоқда. Учрашувдан асосий мақсад ҳам ана шу ҳамкорлини кенгайтириш ва иш самарадорлигини янада ошириш бўлди.

Давра сухбатида кўзга кўринган йирик ишибилармонлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, тадбиркорлик сирлари ҳақида йигилганларга маълумот берди. Банк вакилларининг янги хизмат турлари ва келгуси фаолиятлари ҳақидаги чиқишидан сўнг, банкилар ва тадбиркорлар ўртасида савол-жавоблар бўлиб ўтди. Ҳарбириштирокчи ўзини қизиқтирган масалалар бўйича маълумотлар олди. Эндиғина ишни бошлаётган тадбиркорлар учун анжуман ҳақиқий сабоқ бўлди. Чунки улар келгуси фаолиятларида зарур бўладиган маълумотлар билан танишдилар. Шу билан бирга, айрим ишибилармонлар ўзларини қийнаётган муаммолар, келгуси режалари ҳақида сўз юритди. Учрашув шаффоф ва очик-ойдин руҳда ўтиб, барча учун самарали кечди.

– Бугунги йигиндан таассуротларимиз жуда катта, – дейди «Фатхулла мега стар» корхонаси раҳбари

**Фатхулла Тоҷиев.** – Чунки кўплаб тажрибали тадбиркорларнинг чиқишилари ва банк ходимларининг фикр-мулоҳазалари биз учун айни муддао бўлиб, келгуси фаолиятимизда асқотиши тайин. Шу йилнинг бошидан бери «Ипотека-банк»нинг Мехнат филиали мижозига айландим. Бу тўғри таллов эканни киска муддатлик ҳамкорлигимиздан билдим. Шу вақтча бирор марта банкнинг хизматида камчилик сезмадим. Доим яхши муносабатда бўлишиб. Қолаверса, банкнинг молиявий кўмаги сабаб бизнесимни кенгайтириб, маҳсулотларимни хорижга экспорт қилиш имкониятига ҳам эга бўлдим. Келгуси йил учун режаларимиз катта. Банк кўмагида янги бино бунёд этмоқчимиз. Бугун улар шу масалани ҳам ижобий баҳолашиб, ҳар бир лойиҳамизни қўллаб-куватларини билдиришиб. Бундан бошимиз осмонга етди.

– Банкимиз кичик бизнесни молиялаштириш дастури доирасида тадбиркорлар учун кенг кўламдаги кредитларни таклиф этиб, уларни ҳар томонлама қўллаб келмоқда, – дейди **банкнинг Иктисолий таҳлил ва стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Исмоил Туропов.** – Бугунги давра сухбатимиз ҳам ўзаро фикр алмашиб, келгуси режаларни белгилаб олини мақсадида ўтказилди. Кузатганингиздек, барча иштирокчилар аъло даражада қаташди. Куттилмаган фикрлар билдирилиб, айрим лойиҳалар ҳам муҳокама қилинди. Тадбиркорлар фаолиятимизда эътибор қаратишимиш лозим бўлган жиҳатларни ҳам таъкидлашиб. Учрашувдан шуни билдики, бундай давра сухбатлари иккى томонлама манбафатли экан. Шунинг учун бу каби анжуманларни тез-тез ўтказиши ҳақида келишиб олдик.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ.**

## АМАЛИЙ СЕМИНАР

## Тижорат банкларида коррупцион аломатларнинг олдини олишга бағишиланган семинар

Ўзбекистон банклари Ассоциациясида тижорат банкларининг раҳбар ходимлари иштирокида «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида коррупцион аломатларнинг олдини олиш ва коррупцияга карши кураши» мавзууда амалий семинар ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Аддия вазирлиги, Марказий банк, Банклар ассоциацияси, тижорат банклари ҳамда «Тараққиёт стратегияси» маркази билан ҳамкорликда банк тизимида «Коррупцияга карши кураши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларини, шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги «Коррупцияга карши кураши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунинг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2752-сонли Қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга карши кураши бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Семинарда мамлакатимизда коррупцияга карши самарали меъёрий-хуқуқий база шакллантирилган, коррупциянинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда тижорат ташкилотлари ўтиғун фаолиятига салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш механизмилари яратилган таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга карши Конвенциясига қўшилиши коррупцияга карши кураши соҳасида тизими механизмиларни аниқлашда принципиал жиҳатдан янги босқични бошлаб берди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз Президенти ташабуси билан қабул қилинган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга карши кураши бўйича Давлат дастури мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиши доир институционал механизмларни янада такомиллаштириш борасидаги янги ва мұхим вазифаларни белгилаб олинди.

Семинарда коррупцияга карши курашиш бўйича Давлат дастури ижросини таъминлаш, тижорат банклари фаолиятида коррупцияга оид хукуқбизарликларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслика қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, иштирокчилар саволларига батафсил жавоблар берилди.

**Бекзод АКРОМОВ.**

## ОНЛАЙН ХИЗМАТЛАР

## Мижозларга кенг имкониятлар яратиб

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки мижозлар учун барча имкониятлар ва кўшимча қуайликлар ҳозирлаш мақсадида масоғавий хизматлар доирасини кенгайтириб бормоқда.

Яқинда банк ўзининг «Hamkor Mobile» иловаси ошириш бўйича хизматларни рўйхатини янада ошириша мевафақ бўлди. Эндиликда мижозлар ер солиги, мол-мулк солиги, биометрик паспорт олиш учун давлат божи тўловларини «Hamkor Mobile» иловаси орқали амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, «Hamkorbank» мамлакатимиз тижорат банклари билан бир банк пластик картасидан иккинчи банк пластик картасига эланни ўтказмаларини амалга ошириш жараёнини жо-

рий этмоқда. Жумладан, «Hamkorbank» пластик карталаридан ҳозирда ТИФ Миллий банки, «Ипотека-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Асака» банк, «Ипак йўли» банки ва «Туркестонбанк» пластик карталарига «Hamkor Mobile» иловаси орқали амалга ошириш имконияти яратилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизи, «Hamkor Mobile» иловаси жисмоний шахслар учун масоғадан хизмат кўрсатиш тизими бўлиб, унинг ёрдамида мобиль телефон ёки интернет орқали амалга ошириш имконияти яратилган.

Рақамини бошқариш ҳамда назорат қилиш мумкин. Хусусан, унда уяли алоқа операторлари ва шаҳар телефоны, интернет провайдерлар ва рақами телевидение хизматлари ҳақини тўлаш, коммунал тўловлар (электр энергияси учун), истеъмол товарлари ва кўрсатилган хизматлар учун бир марталик тўловларни амалга ошириш, истеъмол ва ипотека кредитларини тўлаш, ҳисоб ракамлар ҳолатини кўриш ва тўлдириш, омонаят қолдиқлари ва унга хисобланётган фоизлар бўйича маълумотлар олиш, онлайн «Smart Vista» пластик карта қолдиқлари ва унинг айланмалари бўйича маълумотлар олиш, маблагларни картадан картага kontaktсиз ўтказиш имконияти мавжуд.

**Жасур МИРЗАЕВ.**



рупия билан курашиш тадбирларидаги иштирокини фаоллаштириш, тизим ходимининг касб одоб-ахлоқи қоидалари талабларига қатъий риоя қилиши ҳамда коррупцияга карши кураши соҳасида хуқуқий саводхонлик даражасини ошириш чора-тадбирларини янада самарали амалга ошириш йўналишлари белгилаб олинди.

Семинарда коррупцияга карши курашиш бўйича Давлат дастури ижросини таъминлаш, тижорат банклари фаолиятида коррупцияга оид хукуқбизарликларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслика қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, иштирокчилар саволларига батафсил жавоблар берилди.

## БАНК ВА МИЖОЗ

# Мижозларга қулайлик: тижорат банкларининг хизмат ҳақлари арzonлашмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тавсиявий тарифларга мувофиқ 187 та хизмат тури кўриб чиқилиб, 63 та хизмат тури бепул амалга оширилиши, 86 та хизмат ҳақи 15 фойиздан 95 фойизгача арzonлаштирилиши, шунингдек, хорижий валютада ўрнатилган 7 та хизмат ҳақи миллий валютага ўтказилиши юзасидан келишувга эришилди.

Бепул амалга оширилиши белгиланган хизматларнинг 29 таси жисмоний шахсларга, 25 таси юридик шахсларга, 9 таси эса юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлардир (тижорат банклари томонидан ҳақ олинмайдиган хизматлар рўйхати иловада келтирилмоқда).

Жумладан, мижозлардан олинидаган кредит ажратиш бўйича 10 та, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва

банк ҳисобвараклари очиш бўйича 12 та, хорижий валютадаги хизматлар бўйича 9 та, пластик карталари га хизмат кўрсатиш бўйича 11 та, жисмоний шахсларга кўрсатиладиган чакана банк хизматлари бўйича 17 та ва бошқа хизматлар бўйича 4 та хизмат ҳақлари бекор қилинди.

Банк хизматлари ҳақларининг бекор қилиниши ёз навбатида тижорат банклари томонидан мижозларга хизмат кўрсатилишида қўшимча қулайлик яратиш билан бирга, ахоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблаглари иктисад қилинишига хизмат қиласди.

Қайд этиш лозимки, Тавсиявий тарифларга кўра, тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг 18 таси 30 фойизгача, 23 таси 30 фойиздан 50 фойизгача,

24 таси 5 фойиздан 80 фойизгача, 21 таси 80 фойиздан 95 фойизгача арzonлашди.

Умумий тартибда миллий валютада жисмоний ва юридик шахсларга пластик карталар очиш, корпоратив карталар алмаштириш, корпоратив карта йўқотилган ёки шикастланганда уни тикиш, тўлови ради ётилган ёки тўланмаган ҳужжатларни қайtarishi, омонат дафтарчасини йўқотганлиги учун жарима ҳамда хорижий давлатлар элчионаларига бериладиган маълумотномалар бўйича илгари хорижий валютада (евро, АҚШ доллари) белгиланган хизмат ҳақлари миллий валюта – сўмда белгиланадиган бўлди.

Банк хизматларининг сифатини ошириш мақсадида:

– банк хизматларини қатъий равишда мижоз билан тузилган шартнома шартларига асосан кўрсатиш

(бунда шартномада кўзда тутилмаган бошқа хизмат ҳақлари олинишига йўл қўймаслик);

– хизматлар кўрсатилишида шартномада белгиланган муддатларга амал қилиш;

– шартнома шартларига фақатина мижознинг розилиги билан ўзгартишлар кириши;

– мижозлар фаолиятида юзага келган муаммоларни кўриб чиқиша уларнинг молиявий ҳолати ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда ёндашиш юзасидан тижорат банклари билан келишиб олиниди.

Ушбу банк хизматлари бўйича ўрнатилган Тавсиявий тарифлар тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги шартномавий муносабатларда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб тўлиқ татбиқ этилади.

Илова

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАҚ ОЛИНМАЙДИГАН ХИЗМАТЛАР РЎЙХАТИ

### 1. Кредит ажратиш бўйича хизмат кўрсатишида:

- кредит ҳисобварагини очиш;
- кредит ҳисобварагига хизмат кўрсатиш;
- гаров таъминотини расмийлаштириш;
- гаров таъминотини тўлиқ ёки қисман гаровдан чиқариш;
- ажратилган кредит бўйича мониторинг ўтказиш;
- кредит қолдигини бошқа банкка сотиш;
- кредит бюросидан маълумотлар олиш;
- гаров реестрига ёзув киритиш;
- очиқ кредит линияларидан фойдаланилмаган кредит суммаси;
- кредит бўйича ойлик абонент тўлови.

### 2. Бухгалтерия ҳисобини юритиш, банк ҳисобвараклари очиш бўйича хизмат кўрсатишида:

- миллий валютада асосий (ёки бошқа банк мижозига иккиламчи) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварагини очиш;
- банк мижозига иккиламчи, бошқа ҳисобварак очиш ва қайта расмийлаштириш;
- талаб қилиб олингунча, иккиламчи ва шу каби депозит ҳисобваракларни ёпиш;
- шу банк олдиаги кредит қарздорлигини қайtarish (кўплаш) учун маблагларни ўтказиш (дебет алланма);
- мижоз бошқа банкка ўтганда ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- бир филиалда мижознинг бир ҳисобварагидан бошқа ҳисобварагига ҳамда маҳсус ҳисобваракларга пул маблағларини ўтказиш;
- бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобваракларига хизмат кўрсатиш;
- кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобваракларидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўтказиш;
- ҳисобваракларга хизмат кўрсатиш бўйича ойлик абонент тўлови;
- аккредитив ҳисобварагини тасдиқлаш;
- ҳисобварак орқали амалга оширилган тўловлар ҳақида кўчирма олиш;
- таъсис ҳужжатларига асосан ҳисобваракни ўзгартириш.

### 3. Хорижий валютадаги хизматлар бўйича:

- юридик шахсларга ҳисобварак очиш;
- юридик шахснинг ҳисобварагини ёпиш;
- ҳисоб-китоб чеклари суммасини мижознинг ҳисобварагига кирим қилиш;
- жисмоний шахсларга ҳисобвараклар очиш ва ҳужжатларни юритиш;
- омонат дафтарчасини бериш;
- мижоз омонат ҳисобварагига маблагларни нақд ва нақдсиз кирим қилиш;
- омонатни ёз номига банкнинг бошқа филиалига ўтказиш;
- фуқаролар буюртмасига кўра омонатларни кириши;
- пул ўтказмаларини бекор қилиш ва орқага қайtarishi.

### 4. Пластик карточкаларига хизмат кўрсатишида:

- иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия тўловлари учун миллий валютада пластик карточкалар очиш;
- миллий валютада пластик карточкалар ҳисобваракларини қўшимча маблаглар билан тўлдириш;
- миллий валютада пластик карточкаларга маблағларни кирим қилиш;
- миллий валютада пластик карточкадан пул ўтказмаларини амалга ошириш;
- миллий валютада пластик карточкалар бўйича операцияларни тўхтатиш («стоп» листга кўйиш);
- миллий валютада пластик карточка «тақиқа» (блокировкага) тушган ҳолда қайта фаоллаштириш;
- корпоратив пластик карточкаларни маблағларни чиқим қилиш;
- корпоратив пластик карточка бўйича операцияларни тўхтатиш («стоп» листга кўйиш);
- корпоратив пластик карточка «тақиқа» (блокировкага) тушган ҳолда қайта фаоллаштириш;
- жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги конверсион картасини валюта маблағларни билан тўлдириш;
- миллий валютадаги терминаллар орқали кирим қилинган нақд пулсиз маблағларни депозит ҳисобваракларига ўтказиш (инкассация).

### 5. Жисмоний шахсларга чакана банк хизматлари кўрсатишида:

- омонат ҳисобвараги очиш;

### 6. Бошқа хизматлар:

- юридик шахсларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларни банк кассасидан бериш;
- инкассация қилинган нақд пул тушумларини қабул қилиш, қайта санаш ва ҳисоб рақамга кирим қилиш;
- инкассатор халтасига маблағлар нотўғри жойлаштирилганда далолатнома тузиш;
- кафолатларнинг шартини (миқдори ва муддати ўзгартирмаган ҳолда) ўзгартришиш каби хизмат турлари кўрсатилганда.

## БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАР

## ТИФ Миллий банки: мурожаатлар вақтида ечим топмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Халқ билан мулокот ва инсон манбаатлари йили» давлат дастури доирасида эса муассасасининг барча бўлим ва филиалларида «Халқ қабулхоналари» фаолияти йўлга кўйилиб, уларни ўз вақтида ўрганиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилиди.

Тадбирда ўтган давр мобайнида ушбу қабулхоналарга жами 13712 та мурожаат келип тушгани, шундан бугунги кунгача 10605 таси ижобий ҳал этилган бўлса, колган 53 таси бўйича ўрганиш ишлари

хисобидан эса 13,8 млрд. сўм ва хорижий кредит линиялари хисобидан 213,9 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратгани, натижада 21 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани қайд этилди.

Бундан ташқари, банк томонидан аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида жами 435,6 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилган. Жумладан, аёллар тадбиркорларигини кўллаб-куватлашга 389,8 млрд. сўм, ёшлар ўртасида тадбир-

лаб-куватлашга 161,1 млрд. сўм ҳамда дехқон ва фермер хўжаликларига 127 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Банкнинг чакана хизматлар бозоридаги етакчилик мавқеини сақлаб қолиш бора-сида амалга оширган ишлари таҳлил қилиниб, 4 та янги турдаги омонат амалиётга киритилгани, пластик карталарга хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари янги терминаллар билан таъминланган (6000 дона), яна 200 дона хори-



олиб борилаётгани маълум қилинди.

Бундан ташқари, банкнинг маълумот ва ахборот хизмати бўлимига телефон орқали аҳолидан жами 5,2 мингга яқин саволлар билан мурожаат қилинган бўлиб, уларга ҳам вақтида зарур маълумотлар берилган.

Айтиш жоиз, ТИФ Миллий банки географик жиҳатдан энг йирик муассасалардан саналади. Унинг ҳудудларда 92 та филиали, 38 та мини-банки ва 220 та ихтиослашган кассаси мавжуд бўлиб, улар орқали 2,2 млн.дан зиёд мижозга (жорий йилда банк мижозлари базаси 10,4 физига кўпайиб, уларнинг катта кисми жисмоний шахслар хиссасига тўғри келади) хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Анжууманда банк томонидан филиаллар тармоғини янада кенгайтириш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ҳамда банк хизматлари сифатини яхшилаш борасидаги ишлар янада ривожлантиралиштани таъқидланди.

Бу борада бажарилган ишлар хусусида тўхталиб, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритувчи субъектларни кўллаб-куватлаш мақсадида банк ўз маблаглари хисобидан 2,5 трлн. сўм, бюджетдан ташқари жамғармалар

корликни ривожлантирашга 46,5 млрд. сўм, коллек битирүчиларининг бизнесга доир лойиҳалари учун 49,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ўйналтирилган. Шунингдек, кам таъминланган аҳолини ижтимоий-иқтисодий кўллаб-куватлаш мақсадида банкнинг ўз маблаглари хисобидан 5,6 млрд. сўмдан ортиқ, имтиёзли кредитларни маҳсус жамғармаси маблаглари хисобидан эса 1,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар тақдим этилган.

– Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари тўғридан тўғри аҳоли манбаатларига хизмат қилиши билан аҳамиятидир, – дейди **Банкни стратегик ривожлантириш департamenti бошқарма бошлиги Т.Файзиев**. – Шу боис ТИФ Миллий банки бундай минтақалар фаровонлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришда фаол қатнашиб келмоқда. Ўтган даврда мана шундай дастурларни амалга ошириш ҳамда эркин иқтисодий зоналарда янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш мақсадларига муассасамиз томонидан жами 2,3 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш учун жойларда ахолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлири фаолиятини молиявий кўл-

жий пластик карталарга хизмат кўрсатувчи тўлов терминалини етказиб бериш юза-сидан хорижий компания билан шартнома имзолангани, Сергели, Бектемир, Олмазор, Яшнобод ва Мирзо Улуғбек туманларида аҳоли гавжум бозорларга 6 та нақд пул ёчиш банкоматлари ўрнатилгани маълумот сифатида айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, жорий йилда банк томонидан жисмоний шахс мақомидаги мижозларга масофавий хизматлар кўрсатиш бўйича янги кўп киррали имкониятларга эга бўлган «Миллий» мобиль иловаси тақдим этилди. «Union Pay International» халқаро тўлов тизимининг принципиал аъзолигига қабул қилиниб, ТИФ Миллий банкнинг савдо терминалларида ушбу тизимнинг пластик карталари орқали миллий валютада савдоларни амалга ошириш имконияти яратилди. «QIWI» пул ўтказмалари тизими орқали «Uzcard» тўлов тизимининг пластик карталарига тезкор пул ўтказмаларини юбориш ўйлуга кўйилди.

Хозирда юридик шахс мақомидаги субъектлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун «Visa» халқаро тўлов тизими билан ҳамкорликда «Электрон тижорат» хизматлари тақлиф этилмоқда.

**Наргиз АҲМЕДОВА.**

## Экспорт ҳам ҳажм, ҳам географик жиҳатдан ўсмокда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, ҳисбот даврида жамғарма 4 мингдан зиёд корхоналарга ташриф буюриб, шундан кариб 3600 тасига ўз маҳсулотлари ва хизматлари экспортида кўмаклашди. Натижада 425 та тадбиркор томонидан 3 млрд. 171 млн. АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланди ва 1 млрд. 485 млн. долларлик экспорт амалга оширилди. Бу кўрсаткини ўтган йилнинг шу даврига кўра таққослагандан жамғарма кўмагидан фойдаланган тадбиркорлар сони 244 тага, экспорт ҳажми эса 5 физига кўпайганини қайд этишимиз мумкин. Бундан 90 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб қилинди ва улар томонидан 132 млн. долларлик экспорт амалга оширилди.

Айтиш жоиз, жамғарманинг юздан ортиқ хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатгани соҳа субъектларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда мухим аҳамият касб этмоқда.

– Маълумки, муассасамиз томонидан Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-куватлаш жамғармаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2507-сонли Қарорига асосан янги турдаги экспорт олди молиялаштириш хизматлари ҳам кўрсатиб келинмоқда, – дейди **жамғарма ижрочи директори ўринбосари Марат Жўраев**. – Ўтган даврда 7 млрд. 657 млн. сўм миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилди. Бундан 5 млрд. 630 млн. сўми фоизсиз молиявий қарз сифатида ва 1 млрд. 927 млн. сўми халқаро кўргазмаларда тадбиркорлар иштирокини ташкиллаштириш учун ажратилди. Бунрга натижасида тадбиркорларимиз томонидан кариб 500 млн. долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, 53 млн. 400 минг долларлик экспорт амалга оширилди.

Юртимиз ишлаб чиқарувчиларининг чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркалардаги иштирокда жамғарманинг хиссаси катта. Ишбильармонлар ўз маҳсулотлари экспортини ўйлуга кўйиш, бу борада ҳамкорлар топиш ва улар билан шартномалар тузища бевосита ушбу муассаса кўмагига таянмоқда. Чунончи, ўтган даврда 630 нафарга яқин тадбиркор шу йўсунда Германия, Россия, Қозогистон, Қирғизистон ва Тоҷикистонда бўлиб ўтган 10 та халқаро кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиб, 397,9 млн. долларлик экспорт келишувларини имзолашга эришид, 44,0 млн. долларлик экспорти амалга оширилди. Бу кўрсаткини ўтган йилнинг шу даврига таққослагандан кўргазмалар сони 2 тага, иштирокчилар сони 399 тага кўпайгани маълумдир.

**Айни пайтда жамғарма республикамизнинг ҳар бир туманида 85 та агрофирма ташкил этиган. Унинг Россия, Жанубий Корея, Италия, Болгария, Швейцария, Германия, Испания, Хитой ва Тоҷикистонда ўз ваколатхоналари мавжуд. Яқин келажакда ушбу ваколатхоналар сони Латвия, Сингапур, Португалия, Чехия, Люксембург, Польша, Буюк Британия, Кувайт каби давлатлар билан янада кенгаяди.**

Шунингдек, йил давомида жамғарма томонидан тадбиркорларга бизнес-режалар тайёрлаш ва зарур ҳужжатларни банкка тақдим этишда 78 млн. 205 минг долларлик ва 178 млрд. 179 млн. сўм (жами 120,3 млн. дол.) қўйматидаги жами 146 та лойиҳа бўйича яқиндан ёрдам берилди.

Италиянинг «Gaili» ва АҚШнинг «Stantop» корхонаси вакиллари билан Ўзбекистонда учрашув ташкил қилиниб, унинг доирасида Фарғона, Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга олиб борган ҳолда Италия бозорига қўритилган мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш бўйича ҳамкорлик килишиб олинди.

40 га яқин маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 100 дан ортиқ турдаги маҳсулот намуналари Россия, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Латвия каби дунёнинг бошқа қатор давлатларида хорижий ҳамкорларга «DHL Express» ҳамда бошқа тезкор почта хизматлари орқали етказилди.

22-25 ноябрь кунлари Давлатимиз раҳбарининг Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасида ҳам жамғарма томонидан ушбу мамлакатнинг «AVID Co. Ltd», «Dalm PharmaTech» ва «Hyundai department store» корхоналари билан заргарлик буюмлари ва фармацевтика маҳсулотларини ишлов чиқариш ҳамда йирик савдо комплексларини ташкил ажратилди.

**Эъзоз КАМОЛОВА.**

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

### ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

## Банк-молия хизматлари ўз вақтида ўзлаштирилмоқда

Бу ҳақда Ҳалқаро пресс-клубнинг «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши: тенденциялар, муаммолар ва истиқболлар» мавзуидаги анжуманида маълумот берилди.

Хусусан, сессияда жорий йилнинг 9 ойи давомида ЯИМ 5,3 фоизга ўғсанлиги, бунда хизматлар энг юқори улушга (3,3 фоиз) эга бўлгани таъкидланди.

– Республикамиз банк-молия соҳасида тизимга доир хизмат ва маҳсулотлар ўз вақтида ўзлаштирилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикаси бўлими бошлиғи Мухтор Умаров. – Бугун дунё молия бозорида энг оммалашган хизматлар электрон тўловлардид. Бундай хизматлардан бугун ахолимиз кенг камроғда фойдаланиб келмоқда.

Шунингдек, пресс-клуб сессиясида мамлакатимиз статистика соҳасида амалга оширилётган ислоҳотлар хусусида кенг аҳборот берилди. Инфляция сабаблари, унга таъсир этувчи омиллар, ҳисоблаш методлари ҳамда бу борада ҳисобот даврида қайд этилган натижалар сархисоб қилинди.


– Жорий йилда инфляция даражаси 13-14 фоиз бўлиши кутилмоқда, – дейди иктиносидиёт вазирининг биринчи ўринbosари Мубин Мирзаев. – Унинг ўсиш сабаблари йиллар давомида нархларни либераллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг ортга сурилиб келаётгани билан боғлиқ. Жорий йилда айрим товарлар ва хизматларга белгиланган нархларни либераллаштириш бўйича амалий ишлар қилинди. Инфляция даражасини

ўлчаш механизмлари ҳалқаро андоза-ларга мувофиқлаштирилди.

Маълумки, Президентимизнинг жорий йил 31 июндан «Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси фаолиятини токомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3165-сонли Қарорига асосан 2017-2021 йиллар учун давлат статистика кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро рейтингларда холис ва тўғри баҳоланишини таъминлаш мақсадида давлат статистика кўмитаси томонидан ҳалқаро ташкилотларнинг 17 та саволномаси доимий равишда тўлдирилиб келинмоқда. Бунда кўмита Европа иктиносиди комиссияси (ЕИК), Ҳалқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва бошقا ҳалқаро ташкилотлар билан яхши ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кўмитанинг статистика маълумотлари шаффоғлигини таъминлаш, уларни тезкор тақдим этишга қартилган чора-тадбирларидан яна бира янгиланган веб-сайтнинг ишга турилганидир. Ҳозирги пайтда унда 230 дан зиёд статистика маълумотлари, таҳлилий материаллар, пресс-релиз ва бошقا аҳборотлар мунтазам равишда жойлаштирилмоқда. Уларда ҳар бир кўрсаткич таҳлилий маълумотлар билан асосланадиган эътиборга моликдир.



Анжуманда озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол бозоридаги нархнаво ўзгишлари ҳам кенг муҳокама қилинди.

Маълум қилинишича, шу йилнинг ўн бир ойда автомобиль, ёнлиги-мойлаш материаллари, молгўшининг нархи ошган бўлса, кўплаб маҳсулотлар, жумладан, сабзи, картошка, пиёз, помидор каби мева-сабзавотлар нархи йил бошидагига нисбатан анча арzonлашиши кузатилган.

Анжуманда ўтган 9 ой давомида мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасида эришилган натижаларнинг таъсири статистик кўрсаткичлар асосида кўрсатилди. Унга кўра, ушбу даврда ЯИМни шакллантиришда пойтахтимиз 15,5 фоиз билан етакчилик қилиган. Кейнинг ўринларда Тошкент вилояти 10,8 фоиз, Самарқанд вилояти эса 7,2 фоизга эришган. Январь-сентябрь ойлари бўйича ўртача иш ҳақи миқдори 1 млн.

346 сўмни ташкил қилган (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,2 фоизга кўп).

Бундан ташкири, айни пайтда юртимизда 5 400 дан зиёд чет эл капитали иштирокидаги корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 2376 таси кўшма корхона сифатида ташкил этилгани, 160 мингдан ортик фермер хўжалиги, 4,5 мингта шахсий ёрдамчи дехон хўжаликлари фаолияти юритаётгани қайд этилди.

Тадбирда, шунингдек, иктиносидиётимизда етакчилик қилаётган кичик бизнес ва хусуси тадбиркорликни кўллаб-куватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида кўрилаётган амалий чора-тадбирлар, инфляция, унинг нарх-навога таъсири, нарх индексида кутилаётган ўзгишлар, экспорт ва импорт таркиби масалаларига доир саъй-ҳаракатлар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.

**Назира МАВЛОНОВА.**

Ҳисобига 26 та қўшма корхона ташкил этилди.

Шунга қарамасдан, эҳтиёж кучли бўлган дори воситаларининг мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилмаётганлиги сабаби ички бозорнинг асосий қисмини ҳамон импорт йўли билан олиб кириладиган маҳсулотлар ташкил қилимоди. Аксарият дорихоналарда дориларнинг Согликини сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рецептлар бўйича сотилишига риоя қилинмаяпти.


Тадбирда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари саводси қоидаларини бузганлик учун масъулатни кучайтириш ҳамда соҳани жадал ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилди. Аҳоли ва даволаш муассасаларини сифати дори-дармон билан таъминлашнинг муҳим масалалари ва ҳалқаро тажриба муҳокама этилди. Фармацевтика соҳасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кўллаб-куватлашнинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилди.

**ЎЗА материали асосида.**

### САРМОЯ ВА САМАРА

## Фармацевтика соҳасига инвестициялар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан «Аҳоли ва даволаш муассасаларини дори-дармон билан таъминлаш борасида амалга оширилётган ишлар: аҳоли билан мулокот, амалиёт ва ҳалқаро тажриба» мавзусида давра сұхбати ўтказилди.



воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 14 февралдаги «Дори воси-

таларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаштартибини янада токомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 17 июндан «Аҳолини дори-дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармогини

«Аҳолини дори-дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаштартибини янада яхшилашга доир чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармогини



## МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР

БУГУННИНГ МАВЗУСИ

## Фискал хотириали назорат-касса машиналари: янги босқич ва кенг имкониятлар

Ушбу вазифалар, шунгидек, Фармон билан тасдиқланган «Давлат солик хизмати органлари фаолияти ва солик маъмуритчилигининг самародорлигигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастуризининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фискал хотириали назорат-касса машиналарини кўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳажмини аниқлаш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан Тошкент, Нукус шахарларида ва вилоятлар марказларида 500 тадан 1000 тагача бўлган онлайн назорат-касса машиналари тажриба-синов тариқасида амалиётта жорий этилади. Келгуси йилнинг 1 юнидан ушбу ҳудудлардаги барча юридик шахслар, 1 декабридан бар-

Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солик маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ийғилувчанилигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан давлат солик хизмати органлари тизимини ислоҳ этишининг муҳим йўналишларидан бири сифатида солик маъмуритчилигини жараёнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солик тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулокотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш белгиланган.

Чаюридик ва жисмоний шахслар томонидан товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн назорат-касса машиналарини кўллаган ҳолда амалга ошириш босқичма-босқич жорий этилади.

— Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 11 681 та нақд пул тушумига эга савдо ва пулни хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти Давлат солик бошқармасининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлуми бошлиги Ф.Жабборов. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида улар томонидан банк кас-

саларига 931 млрд. сўмдан ортиқ нақд пул маблаглари жалб этилган. Лекин шунга қарамай, ҳозирги пайтада тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобланадиган солик ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини камайтириш, нақд пул тушумларини банк кассаларига топширмасдан яшириш мақсадида ҳаридорларга назорат-касса машинаси чекини бермаслик, уни носоз ҳолатга келтириш, фискал хотирадаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, назорат-касса машиналарини йўқотиш орқали амалга оширилган товор айланмалари тўғрисида ги маълумотларни соҳталаштириш ҳолатлари ҳам учраб туриди. Нақд пул тушумларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш мақсадида давлат

солик хизмати органлари ходимлари жуда кўп вақт талаб этиладиган хронометраж тадбирларига мунтазам рашида жалб қилинмоқда. Утган давр мобайнида 83 мингдан ортиқ ана шундай тадбирлар ташкил этилди.

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган даврида давлат солик хизмати органлари томонидан вилоядатда 1483 маротаба савдо ва пулни хизмат кўрсатиш қойдаларига риоя қилинши қозасидан текширишлар ўтказилган. Уларнинг 1173 тасида ҳаридорларга жами 231 млн. сўмлик назорат-касса машиналари чекини бермаслик ҳолати аниқланган. Шунингдек, 306 та савдо дўқонида умуман назорат-касса машинаси ўрнатилмаганлиги маълум бўлган.

Юқорида номи келтирилган Қарорнинг қабул қилинши ҳаридорларга берилган назорат-касса машиналари чекларининг марказлашган электрон маълумотлар базасини яратади. Назорат-касса машиналаридан фойдаланмаётган савдо шохобчаларини онлайн режимда аниқлаб, тезкор чоралар кўришга имкон беради. Шунингдек, назорат-касса машиналари орқали ҳаридорларга берилган чеклар ҳақидаги маълумотларни қасдан ўзгартириш, тушум суммасини камайтириш, назорат-касса машиналарини йўқотиш, бузиш ёки рўйхатдан ўтмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланиши, иккиласми бухгалтерия юритиши қабилатларга чек қўйилади.

Бир сўз билан айтганда, эндиликда ушиб Қарорнинг амалга татбиқ этилиши тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушуми билан бөллиқ фаолиятига арапашиб ва турли ҳил назорат тадбирлари ўтказилишининг камайшига ҳам олиб келади.

**Жасур МИРЗАЕВ.**

ЛИЗИНГ

## Хизматлар ҳажми ортмоқда

Жорий йилнинг 9 декабрь куни Давлатимиз раҳбарининг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишиланган тантанали маросимдаги нуткида юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши натижасида жорий йилда мамлакатимиз бўйича 8 млн. 377 минг тонна ғалла, 2 млн. 930 тоннадан зиёд пахта ҳосили, 12 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 млн. тонна мева-сабзавот, 13 млн. тонна гўшт ва сут маҳсулотлари етиширилганлиги қайд этиб ўтилган эди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз жаҳонда тез суръатларда ривожланаётган давлатлар орасида юқори ўриннинг эгаллаб тургани, сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимиз ўшиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётгани эътирофга молик, албатта. Бу натижаларга эришишда фермер хўжаликлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалигига даҳлор тизимларининг ҳам самарали меҳнати ётибди. Ана шулардан бирни «Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятидир.

Маълумки, 2016 йил 17 ноябрьда Президентимизнинг «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисидағи Фармонига биноан «Ўзқишлоқ-хўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси номи «Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти деб ўзгартирилди. Бу эса жамият фаолиятида бир қатор ижобий ўзгаришларга олиб келди. Буни жамиятнинг 35 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ва машина-трактор парклари

рига ҳамда «Ўздонмаҳсулот» АЖ, «Ўзпахтасаноат» АЖ ва «Ўзагролизинг» АЖ тизимидағи корхоналарга лизинг асосида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб берганидан ҳам билиш мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмасининг маълумотларига кўра, «Ўзагролизинг» АЖ кўрсатиладиган лизинг хизматларининг ҳажми бўйича республика бозорида кўп йиллардан бўён етакчи ўринни эгаллаб келаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

— «Ўзагролизинг» АЖ томонидан жорий йил 70 турдаги техника машина-трактор парклари, фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг асосида етказиб берилди, — дейди жамиятининг Юридики бўлуми бошлиги Пахридинн Ходжев. — Жорий йилнинг 11 ойида эса республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами қиймати 400 млрд. сўмлик 5896 дона қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг асосида берилди. Шулардан 265 донасини ҳайдов трактори, 262 донасини ғалла ўриш ком-



байни ва 5369 донасини бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларига ташкил этиди. Шуни қайд этиш керакки, фермер хўжаликларимизнинг иқтисодий жиҳатдан йил сайин мустаҳкамланиб бораётгани техникаларига бўлган қизиқишини янада оширимоқда. Айниска жамиятимиз томонидан техникаларнинг 10-12 йил муддатга лизингга берилиши фермерларимиз учун катта имконият яратади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида техникага бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бораётганилиги сабаб келгуси йилда «Ўзагролизинг» АЖ томонидан жорий йилдагига нисбатан

камиди 4,0 баробар кўп миқдорда, яни 2,1 трлн. сўмдан ортиқ қийматдаги 80 турдаги техникини лизингга бериш режалаштирилмоқда. Бу жарабёnda бир ярим мингдан ортиқ пахта териш машиналарини ҳам етказиб бериш мўлжалланаётгани қуонарлидир. Чунки сўнгги йилларда пахта териш машиналарига бўлган эҳтиёж ортмоқда. Шу боис жамият бу талабларни ўрганиб чиқиб, келгуси йил машина-трактор паркларига ва фермер хўжаликларига терим машиналарини етказиб беришни режа қилган. Бу эса ўз навбатида, минглаб ишиларнинг мушкулини осон қилиши тайин.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ.**



## ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

## БИЗНЕС ФОРУМ

## Истиқболли ҳамкорлик

Пойтахтимизда Ўзбекистон – Қирғизистон ишбилиармон доиралари учрашуви ҳамда кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Жээнбековнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташки савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигига уютирилиб, унда мамлакатимиз божхона, солик ва бошқа идоралари раҳбар ходимлари ҳамда Қирғизистоннинг машинасозлик, курилиш, озиқ-овқат, енгил саноат, қадоқлаш соҳаларида филияларидаги 100 дан ортиқ компаниялари вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди.

Халқлараро қўйничилик муносабатлари айниқса, савдо-иктисодий соҳада кенг ку�� ёзмоқда, – дейди Қирғизистон Савдо-саноат палатаси президенти Марат Шаршекеев. – Президентин-

Ҳозирги пайтда юртимизда Қирғизистон капитали иштирокидаги 54 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Қирғизистонда эса Ўзбекистон ишбилиармонлари томонидан барпо этилган 50 га яқин корхона иш юритади. Олиб борилаётган манбаатли саъй-ҳарақатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон – Қирғизистон иртасидаги товар айрбошлаш ҳажми 60 фоиздан ошиб, 200 млн. долларни ташкил этди.

Гизнинг Қирғизистонга давлат ташрифи доирасида ташкил этилган бизнес форум якунлари бўйича умумий қўймати 175 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 60 га яқин шартнома имзоланди. Мазкур учрашувида ҳам бўйналишда катта натижаларга эришилишига шубҳа йўқ.

Анжуманда Ўзбекистон ва Қирғизистон иртасида савдо-

иктисодий ҳамкорлики янада кенгайтириш, товар айрбошлаш ҳажмини ошириш ва унинг номенклатурасини кўпайтириш, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида кооперацияни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги, автомобиллар, машиний ускуналар, курилиш материаллари, тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа товарлар иш-

лаш чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш истиқболлари мухокама қилинди.

Ҳозирги пайтда юртимизда Қирғизистон капитали иштирокидаги 54 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Қирғизистонда эса Ўзбекистон ишбилиармонлари томонидан барпо этилган 50 га яқин корхона иш юритади. Олиб борилаётган манбаатли саъй-ҳарақатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон – Қирғизистон иртасидаги товар айрбошлаш ҳажми 60 фоиздан ошиб, 200 млн. долларни ташкил этди.

Енгил саноат, курилиш, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шугуулланувчи ишбилиармонлар иштирокида «B2B» форматида ташкил этилган кооперация биржасида 140 млн. долларга яқин қарий 60 та шартнома имзоланди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

## «Алоқабанк»: ходимларни соғлом турмуш тарзига тарғиб этиб

Ўзбекистон ёшлар иттифокининг АТ «Алоқабанк»даги Етакчилар кенгаси томонидан банкда мамлакатимиз маданияти ва спортининг атоқли вакиллари билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, яқинда «Алоқабанк» – соғлом турмуш тарафдори мавзусида ташкил этилган тадбирларда спортинг бокс турнир бўйича «Рио-2016» XXXI ёзги олимпиада ўйинлари бронза медали соҳиби ва хозирда профессионал боксга қадам қўйиш ниятида бўлган Муроджон Аҳмадалиев, бокс бўйича ҳалқаро спорт устаси ва жаҳон кубоги сориридор Исройл Мадримов ҳамда Осиёи Азия чемпиони Гўзал Исматова иштирок этди.

Хусусида сўзлаб, спортга оид қизиқарли маълумотлар билан ўртоқлашиши. Очиқ ва самимий сухбат давомида банк ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишиди.

Таъкидлаш ўринники, АТ «Алоқабанк»даги Етакчилар кенгаси томонидан бу каби тадбирлар мунтазам равишда ташкил этилиб, бандар ходимларининг спортга бўлган қизиқшини ошириш, уларни соғлом турмуш тарзига фоалтарғиб этиш, интилишлари ва

тадбир давомида спортичлар бу йўналишга қандай кириб келганликлари ва фаолиятларидаги эсда қоларли воқеалар шишаотларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борада муносиб рафтаблантириш мақсад қилинган. Бекзод АКРОМОВ.

Тадбир давомида спортичлар бу йўналишга қандай кириб келганликлари ва фаолиятларидаги эсда қоларли воқеалар

шишаотларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борада муносиб рафтаблантириш мақсад қилинган. Бекзод АКРОМОВ.

## «Микрокредитбанк» ходимлари мини-футболда беллашиши

Жорий йилнинг 15-17 декабрь кунлари «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ходимлари ўтасида мини-футбол турнири ўтказилди.



Унда банкнинг Марказий аппарати, Қарақалпогистон Республикаси ҳамда барча вилоят филиаллари жамоалари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, спортинг энг омабол турларидан бўлган футболга банк ходимларининг қизиқиши ҳам юкори эканлиги мусобақа давомида маълум бўлди. Шу боис турнирда энг муҳими натижалар эмас, балки спортга ва соғлом турмуш тарзига ҳамоҳанглиқ, ҳамкаблар ўтасида ҳамкорлик руҳининг мустаҳкамланиши бирламчи омил бўлди. Бу эса ходимларда жамоавий ҳамжиҳатликни, бирдамлини мустаҳкамлайди, улар фаолиятида ижобий мухитни шакллантиришга хизмат килиади.

Шундай қилиб, бир неча тур давомида кескин ва муросасиз кечган баҳслар натижасига кўра, банкнинг Наманганд вилояти филиали биринчи ўринни, банк Марказий аппарати иккинчи ўринни, Сирдарё вилояти филиали учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, мусобақада «Энг мөхир тўپурар» сифатида Нодир Джураев (Наманганд вилояти филиали ходими), «Энг зўр дарвозабон» – Фуркат Эразлиев (Сирдарё вилояти филиали ходими) ҳамда «Энг интизомли жамоа» деб Самарқанд вилояти филиали жамоаси ётироф этилди. Голибларга банк раҳбарияти томонидан маҳсус кубок ва медаллар топширилди.

Жасур МИРЗАЕВ.

**БАНК АХБОРОТНОМАСИ**

АҲБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

### БОШ МУҲАРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

### ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

### АҲБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркестон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шахрисабз кўчаси, 23-й.

e-mail: info@banknews.uz,  
www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали муроҷаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Таҳририятнинг факат ёзма розилиги билан  
Банк аҳборотномасида ёзлон қилинган материялларни кўйириб босишига ижозат берилади.  
Қўлзёзмалар тақриз қилинмайди ва  
қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот  
агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда  
0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба  
куни чиқади.

Буюртма № 1289.

Адади 4404 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажда, 2 шарти босма табоқда  
чоп этилди.

Босишига руҳсат этилди: 20.12.2017 й., 9.00.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-й.